

ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида Наманган вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3368,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан 4,3 % га ўсди.

2019 йил I-чорак якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1221,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,3 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Наманган вилоятининг кўшган хиссаси 3,7 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш (январь-март ҳолатига)

	Млрд.сўм		2018 й. га нисбатан % да
	2018 й.	2019 й.	
I. ЯҲМ	2653,1	3368,4	104,3
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2559,8	3192,8	104,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	93,2	175,6	105,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2559,8	3192,8	104,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	710,1	805,4	102,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	555,4	729,3	106,0
саноат	407,2	551,1	105,7
қурилиш	148,2	178,2	106,7
Хизматлар	1294,4	1658,1	104,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	303,1	365,4	106,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	243,5	264,8	102,7
бошқа хизмат тармоқлари	747,8	1027,9	104,8

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,1 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 25,2 %), саноат – 105,7 % (22,9 %), қурилиш – 106,7 % (5,6 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 106,5 % (11,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 102,7 % (8,3 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,8 % (32,2 %) ни ташкил этди.

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**




Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 94,8 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 5,2 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 2,5 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 25,2 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,2 % пунктга ўсди ва 22,9 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2019 йил январь-март ойларида 51,9 % ни ташкил этди ва 2018 йил (50,6 %) билан таққосланганда 1,3 % пунктга ўсди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2018 йил январь-март



2019 йил январь-март



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 11,4 % ни (2018 йил январь-март – 11,8 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,3 % ни (2018 йил январь-март – 9,5 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 32,2 % ни (2018 йил январь-март – 29,3 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(2019 йил январь-март, жамига нисбатан фоизда):

